

## **“Умумий ўрта таълимнинг бошланғич синф ўқувчиларида оғзаки ва ёзма нутқий компетенцияларини ривожлантирувчи электрон платформа яратиш” амалий лойиҳа**

**Лойиҳа раҳбари: “Лингводидактика” кафедраси доценти, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (Phd) Ботирова Адиба Эркиновна.**

**Лойиҳанинг бажарилиш муддати 2021–2023 йилларга амалга оширилиши мўлжалланган.** Мазкур лойиҳанинг бажарилиши умумий ўрта таълим тизимини ривожлантириш, она тили ва адабиёт дарсларини интеграция қилиш, ўқувчиларни халқаро тадқиқотларга тайёрлашда муҳим аҳамиятга эга. Яратилаётган методик таъминот нутқий компетенцияни жадал ривожлантирувчи мультимедиа маҳсулотлари, хусусан, электрон дарслик, видеодарслар тўплами, электрон луғатлар, ўқув луғатлар, касбий-терминологик луғат, адабий ўқиш туркумида аудиоматнлар ҳамда уларнинг мобил иловалар билан таъминлаш имконини беради. Мазкур таълимий платформа умумий ўрта таълим тизими бошланғич синф ўқувчиларини мантиқий фикрлаш, билим ва кўникмаларини ҳаётда фаол қўллаш, ўз имкониятларини моҳирона намоёништириш эта олиш қобилиятини интенсиф тарзда шакллантиришда ёрдам беради.

Ўзбекистон ҳар жиҳатдан дунё стандартларига тенглашиб бораётган бир пайтда кадрлар таёрлаш масаласи ҳам долзарб бўлиб бормоқда. Умумий ўрта таълимни такомиллаштириш бўйича ислохотлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда мактаб битирувчилари ўз билим, кўникма ва малакаларини нутқий компетенцияга эга эмасликлари туфайли амалда сифатли қўллай олмаяпти. Давлат тилида иш юритишга, соҳалари бўйича фикр билдиришга, қилган ишлари ҳақида тақдимот қилишга, умуман, ўз қобилиятини намоён этишга қийналмоқда. Чунки умумий ўрта таълим мактаблари учун нутқий кўникма ва малакаларни ривожлантирувчи комплекс таълимий методик таъминот мавжуд эмас. Шу нуқтаи назардан касб-хунар таълими учун соҳалар кесимида инновацион таълим ресурслари, хусусан, мультимедиа маҳсулотлари мажмуасини яратиш республикамизнинг иқтисодий ўсиши ва ижтимоий ривожланишини таъминлайдиган замонавий кадрларни тайёрлаш имконини беради.

### **Лойиҳадан кутилаётган натижалар:**

- 1) саводхонлик, она тили ва ўқиш дарсларини ўргатувчи инновацион таълим ресурси – мультимедиа маҳсулотлари яратилади;
- 2) саводхонлик, она тили ва ўқиш дарслари учун видео дарслар жамланмаси, аудиоматнлар;
- 3) умумий ўрта таълим бошланғич синфлари кесимида имловий саводхонлик ва ёзма нутқни ривожлантирувчи иншо, баён, диктант ёзиш учун тавсиялар мобил иловаси;

- 4) электрон ўқув луғатлар;
- 5) имловий хатоларни белгилаб кўрсатиб берувчи мобил илова.
- 6) Умумий ўрта таълимнинг бошланғич синфлари кесимида ёзма ва оғзаки нутқни ривожлантирувчи диктант ёзишни осон ўргатувчи мобил илова учун дидактик аҳамиятга эга матнлар тўпланади.
- 7) Талаффуз кўникмаларини ривожлантирувчи аудио машқлар тўплами тўпланади.